

Абдуррахмон ибн Авф розияллоху анхуга таом келтирилди

10:40 / 05.07.2018 3517

Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Авф розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абдуррахмон ибн Авф розияллоху анхуга таом келтирилди. У рўзадор эди. Шунда у: «Мусъаб ибн Умайр розияллоху анху ўлдирилди. У мендан яхшироқ эди. Кафанлашга бир дона чопондан бошқа нарса топилмади. Агар боши ёпилса, оёғи очилиб қолар, оёғи ёпилса, боши очилиб қолар эди. Кейин мол-дунёдан бизга кўп-кўп берилди [ёки мол-дунёдан бизга мўл-кўл берилди]. Ҳатто ҳасанотларимиз бизга (бу дунёдаёқ) бериб қўйилганидан қўрқиб кетдик», деди. Сўнг йиғлай бошлади, таомни ҳам емади».

Имом Бухорий ривоятлари.